

КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРДА ЮРИДИК ШАХСНИНГ ПАЛАТАГА АЪЗОЛИГИ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА ВА ШАРТНОМАНИ ИЛОВА ҚИЛИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.

Ўзбекистон Республикасида кредит шартномаси билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига оид муносабатларни тартибга солувчи хукуқий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-483-сонли қонунига кўра, «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун қабул қилинган бўлиб, унинг З-моддасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасини ташкил этиш мақсади кўрсатилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан бўён матнда Палата деб юритилади) тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай хукуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ташки иқтисодий фаолиятини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддаси кредит шартномаси кўрсатилган бўлиб, унга кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади деб кўрсатилган.

Шу ўринда суд амалиётидан олинган бир мисолга мурожаат қиласиз. Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси — банкнинг манфаатини кўзлаб, жавобгар — хусусий корхонага нисбатан кредит қарздорлигини муддатидан олдин ундиришни сўраган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси юридик шахс банкнинг манфаатини кўзлаб даъво ариза тақдим қилган бўлса-да, даъво аризага банк филиалининг палатага аъзолиги ҳақидаги гувоҳномаси ва шартномасини илова қилган. Айни ҳолатда юридик шахс - банкнинг палатага аъзолиги ҳақидаги гувоҳномасини ва шартномасини илова қилиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддасида аризани кўрмасдан қолдириш асослари кўрсатилган бўлиб, унинг 1-қисми 2-бандига кўра, манфаатдор шахс номидан ариза иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса ариза кўрмасдан қолдирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг палата аъзолари манфаатларини кўзлаб берилган даъво аризаларга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва юридик шахс - банк ўртасида тузилган аъзолик шартномаси ҳамда гувоҳномаси илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво аризаси (ариза) ФПК 122-моддасининг 2-бандига мос ҳолда кўрмасдан қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 123-моддасида аризани кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради. Ажримда суд ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ушбу Кодекс 122-моддасининг 2, 5, 6, 7, 8, 10, 10¹ ва 11-бандларида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши шарт деб кўрсатилган.

Мазкур мадданинг 4-қисмига кўра, аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли деб кўрсатилган.

Банк филиали фуқаролик хукуқий муносабат иштирокчиси эмаслигини, фақат юридик шахс - банк фуқаролик хукуқий муносабат иштирокчиси бўлиши мумкинлигини, даъвогар юридик шахс - банк манфаатини кўзлаб судга мурожаат қилинган бўлса-да, даъво аризага банк филиалининг 1 / 2 палатага аъзолиги ҳақидаги гувоҳномасини ва шартномасини илова қилганилигини, айни ҳолатда даъво аризага Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва юридик шахс - банк ўртасида тузилган шартномаси ҳамда аъзолик гувоҳномасини илова қилиниши лозимлигини инобатга олиб,

даъвогарнинг даъво аризасини манфаатдор шахс номидан ариза иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилганлиги сабабли даъво аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топган. Келгусида даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва юридик шахс – банк ўртасида тузилган аъзолик шартномаси ҳамда гувоҳномасини даъво аризага илова қилиши лозим бўлади.

Шунингдек, суд, шу каби хато ва камчиликларга такрор йўл қўймаслик учун даъвогарнинг юқори турувчи ташкилотига нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдирган.

**Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона
туманлараро судининг судьяси
С.Л.Анваров**

2022-03-31 14:04:08